

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Yangi angren issiqlik elektr stansiyasi» АЖ

Кузатув кенгашининг

2025 йил «05» 09 даги қарори билан
(2025 йил «05» 09 даги _____-сонли баённома)

3/2025

**“YANGI ANGREN ISSIQLIK ELEKTR STANSIYASI” акциядорлик
жамияти тижорат сири режимига риоя қилиш тўғрисидаги Низоми**

МУНДАРИЖА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....	3
II. АХБОРОТНИ КОНФИДЕНЦИАЛ ВА ТИЖОРАТ СИРИ ТОИФАСИГА КИРИТИШ МЕЗОНЛАРИ.....	3
III. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.....	6

II. АХБОРОТНИ КОНФИДЕНЦИАЛ ВА ТИЖОРАТ СИРИ ТОИФАСИГА КИРИТИШ МЕЗОНЛАРИ

3. Қуйидагилар ахборотни конфиденсиал ва тиждоат сирн тоифасига киритилишининг мезонлари ҳисобланади:

1. Илмий-техника, ишлаб чиқариш ва технологиялар

1.1. Жамийт аҳоли таъминоти тизими эгитиш тизимидаги маълумотлар, шу жумладан, техника, воситаларни жойлаштиришга ва уларнинг техника тасвифлари, асоси тармоқларнинг ҳуралиш тасвифлари, мушаккал, тармоқларни ривожлантириш бўйича режалаштирилган таъбирлар маълумотлар.

1.2. Истебодоти илмий тадқиқотларнинг мақсадлари, вазифалари, дастурийлари ҳақидаги маълумотлар.

1.3. Илмий-тадқиқот ишларининг асосий қисмлари, шу жумладан, дастурий таъминотидаги ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳис.

1.4. Ятақиланган бўлишларнинг конструкциялар тасвифлари ва маълумотларига технологияларнинг қаролишларнинг аниқ таърифлари.

1.5. Баъзи бўлишлар таъбирларига ахборотлар ҳақида маълумотлар.

1.6. Алоқа тармоқлари ва жараҳлари билан ўқатилган таърифлар ва таърифлар ишқиллари ва ишқиллари ҳақидаги маълумотлар, шуниқас, таъриф ўқазилган апаратура тасвифлари ҳақидаги маълумотлар.

1.7. Жамийт таърифларида асослар ва таъриф ишқиллари билан берилган конструкциялар-технологик, илмий-техника қаролишлар ҳуқуқлари ҳақидаги маълумотлар.

1.8. Дастурий таъминоти ва таъриф белгилашнинг ҳақидаги таърифлар ҳақидаги маълумотлар.

1.9. Жамийт билан истебодоти ривожлантиришнинг ҳуқуқлари ва таъриф белгилашнинг ҳуқуқларидаги таъриф ва таъриф белгилашлар.

1.10. - Конфиденсиал ишқиллари ва таърифларнинг дастурий таъминотидаги ҳақидаги таърифлар маълумотлар.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Тижорат сири тўғрисида”ги қонунларига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссиясининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган, ҳамда у тижорат сири тоифасига киритишнинг мезонларини белгилайди.

2. Ушбу низомда қуйидаги асосий тушунчалар ишлатилади:

конфиденциал ахборот – қонунчиликка мувофиқ унга жоизлик чекланган ҳужатлашган ахборот;

тижорат сири – учинчи шахсларга номаълумлиги жиҳатидан тижорат қийматига эга бўлган ахборот, унга қонуний асосда эркин жоизлик мавжуд эмас ва ушбу ахборотнинг эгаси унинг конфиденциаллигини ҳимоялаш чораларини кўради.

II. АХБОРОТНИ КОНФИДЕНЦИАЛ ВА ТИЖОРАТ СИРИ ТОИФАСИГА КИРИТИШ МЕЗОНЛАРИ

3. Қуйидагилар ахборотни конфиденциал ва тижорат сири тоифасига киритишнинг мезонлари ҳисобланади:

1. Илмий-техника, ишлаб чиқариш ва технологик масалалар.

1.1. Жамият алоқа тизимини ташкил этиш ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан, техник воситаларни жойлашганлиги ва уларнинг техник тавсифлари, алоқа тармоғининг қурилиш тавсифлари, шунингдек, тармоқни ривожлантириш бўйича режалаштирилаётган тадбирлар ҳақидаги маълумотлар.

1.2. Истиқболли илмий тадқиқотларнинг мақсадлари, вазифалари, дастурлари ҳақидаги маълумотлар.

1.3. Илмий-тадқиқот ишларининг асосий ғоялари, шу жумладан, дастурий таъминлашни ишлаб чиқиш соҳасидаги ҳам.

1.4. Яратилаётган буюмларнинг конструкцион тавсифлари ва ишлаб чиқилаётган технологик жараёнларнинг аниқ катталиклари.

1.5. Баъзи буюмлар тайёрланган материаллар ҳақида маълумотлар.

1.6. Алоқа тармоқлари ва жиҳозлари билан ўтказилган тажрибалар ва тестлар натижалари ва шароитлари ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, улар ўтказилган аппаратура тавсифлари ҳақидаги маълумотлар.

1.7. Жамият манфаатларига алоқадор ва мусбат иқтисодий самара берувчи конструкторлик-технологик, бадиий-техник қарорлар хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар.

1.8. Дастурий таъминлаш ва товар белгиларини ҳимоялаш усуллари ҳақидаги маълумотлар.

1.9. Жамият бизнеси истиқболли ривожланишининг қўнуниятлари ва ўзаро боғлиқлигини кўрсатадиган таҳлилий ва график боғлиқликлар.

1.10. Компьютер жиҳозлари ва ишлатилаётган дастурий таъминлашнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар.

2. Маъмурий-бошқарув ва кадрлар масалалари.

2.1. Қўлланилаётган корхонани бошқариш усуллари, менежерларни ва персонални танлаш тамойиллари ҳақида маълумотлар.

2.2. Тижорат, ташкилий, ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот ва бошқа масалалар бўйича корхона раҳбариятининг қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш ва ижро этиш тўғрисидаги маълумотлар.

2.3. Жамият бошқарув органларининг йиғилишлар ва мажлислар ўтказилиши бўйича далиллар, мақсадлар, уларнинг предмети ва натижалари тўғрисидаги маълумотлар.

2.4. Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, рағбатлантириш тизимининг миқдори; ходимларнинг шахсий маълумотлари; ходимлар ҳисоби картотекалари; кадрлар бўйича буйруқлар ва уларга асослар;

3. Фаолиятни истиқболли режалаштириш.

3.1. Ҳамкорларнинг, Жамият манфаатларини кўзлаб, ҳар хил маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки тугатиш бўйича режалари ҳақидаги маълумотлар. Бундай қадамларнинг техник-иқтисодий ва маркетинг асосланишлари.

3.2. Инвестициялар, харидлар ва сотишлар бўйича режалар ҳақида маълумотлар.

3.3. Жамиятнинг бозор стратегияси ҳақида маълумотлар.

3.4. Жамият томонидан режалаштирилаётган сотиш, маркетинг қадамларни амалга ошириш усуллари ҳақида маълумотлар (тариф режаларининг ўзгариши, қўшимча чегирмалар киритиш, қўшимча хизматлар киритиш, режалаштириладиган PR-акциялар, реклама кампанияси хусусиятлари ва б.), шунингдек, уларни ўтказиш учун молиялаштириш ҳажмлари.

3.5. Тижорат фаолиятининг самарадорлиги ҳақида маълумотлар.

3.6. Таркибида бозор конъюнктураси ҳолати ва ривожланиш истиқболларининг баҳоланиши мавжуд бўлган ўз маркетинг тадқиқотлари натижалари тўғрисида маълумотлар.

3.7. Сотиб олиниши мумкин бўлган алоҳида патентлар лицензиялар ва техника намуналари тўғрисида маълумотлар.

4. Молия-иқтисодий масалалар.

4.1. Жамият бизнес-режасининг киримлар, бевосита чиқимлар, эксплуатация ва нозэксплуатация чиқимлари, айланма маблағлар қисмларидаги жорий бюджет кўрсаткичларини ошкора этувчи аниқ маълумотлар.

4.2. Капитал бадаллар, тадқиқот ишлари ва янги техникани жорий этиш бўйича харажатларни молиялашнинг режавий ва амалдаги ҳажмлари тўғрисида аниқ маълумотлар.

4.3. Кредит муассасаларида пул маблағларини жойлаштириш/жалб этиш миқдорлари ва шартлари тўғрисида аниқ маълумотлар.

4.4. Узоқ муддатли молиявий лойиҳаларни тузиш шартлари тўғрисида маълумотлар (молиявий лизинг, узоқ муддатли кредитлар ва б.).

4.5. Янги лойиҳалар ва реклама кампанияларини молиялаш ҳажмлари тўғрисида маълумотлар.

4.6. Алоҳида битимлар, бартер операциялари бўйича тўлов шартлари, компенсацион битимлар шартлари тўғрисидаги маълумотлар.

4.7. Жамият банк ҳисоблари ҳолати ва улар бўйича жорий банк операциялари тўғрисида маълумотлар.

5. Савдо-иқтисодий масалалар.

5.1. Ишбилармон ҳамкорлар билан мулоқотларни тайёрлаш ва ўтказиш натижалари тўғрисида маълумотлар.

5.2. Савдо мулоқотлари ўтказиш вақтида Жамият вакиллари позицияларини очиб берадиган, уларнинг ошқора бўлиши жамиятга зарар етказадиган маълумотлар.

5.3. Битимларни ишлаб чиқиш ва тузиш учун ажратилган муддатлар, битим шартлари, битим юришига таъсир этувчи бошқа омиллар тўғрисидаги маълумотлар.

5.4. Фирмалардан олинадиган ва қайта ишланадиган буюртмалар ва таклифлар тўғрисида маълумотлар.

5.5. Корхонанинг ички ва хорижий буютмачилари, пудратчилари, етказиб берувчилари, мижозлари, истеъмолчилари, харидорлари, компаньонлари, ҳомийлари, воситачилари ва бошқа ҳамкорлари тўғрисидаги, уларни ўз вақтидан олдин ошқора этиш жамиятга зарар етказиши мумкин бўлган маълумотлар.

5.6. Жамиятнинг рақобатчилари тўғрисидаги ошқора бўлмаган маълумотлар.

5.7. Буюмлар ва бутловчиларни янги истеъмол сифатлари билан бойитувчи фойдали етказиб берувчилар тўғрисидаги маълумотлар.

5.8. Бизнес, тузилиш, маҳсулотга баҳолар даражаси бўйича ҳамкорлар билан ҳисоб-китоб усуллари ва жамиятга тақдим этиладиган чегирмалар

миқдорларитўғрисида маълумотлар.

6. Хавфсизлик масалалари.

6.1. Жамиятда тижорат сирларини сақлаш тартиби ва уни таъминлаш ҳолати тўғрисида маълумотлар.

6.2. Жамиятга ишонч билан берилган, ҳамкор корхоналарнинг тижорат сирларини ташкил этувчи маълумотлар.

6.3. Ҳамкор конфиденциал деб тан олиншини талаб қилаётган маълумотлар, агар бу шартнома ёки контрактда қайд этилган бўлса.

6.4. Учинчи томонлар учун норасмий ёки шартномалар бўйича олинган, конфиденциаллигига риоя қилиниши ҳақида қоидалар мавжуд бўлган, илмий-техника ёки иқтисодий масалалар бўйича маълумотлар.

6.5. Жамият объектларига кириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар, қзриқлаш сигнализациясининг кодли комбинациялари.

6.6. Қўриқлашни ташкил этишнинг тартиби ва ҳолати, ўтказиш режими, сигнализация тизими тўғрисидаги маълумотлар.

6.7. Ижроия органи ушбу мезонларга ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир.

7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

7.1. Мазкур Низом Жамият акциядорларини умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

7.2. Мазкур Низомга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар қонунчиликка, Жамият Уставига, Жамиятнинг ички ҳужжатларига ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритилиши, Жамият ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан ва бошқа ҳолатларда киритилиши мумкин.

7.3. Агар мазкур Низомнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва/ёки Жамиятнинг Уставига зид бўлса, бу бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади ва ушбу бандлар билан тартибга солинувчи масалалар мазкур Низомга тегишли ўзгартириш киритилгунча қадар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик меъёрларига ва/ёки Жамиятнинг Уставига асосан тартибга солинади.